

ТУПРОҚНИНГ ОРГАНИК МОДДАЛАРИ ТАВСИФИ

Хайдаров М.М., ФарДУ.

Мирзаев У.Б., ФарДУ.

Мамадалиев М., ФарДУ.


Тупроқ таркибида учрайдиган органик моддалар, унинг асосий таркибий қисми бўлиб, тупроқ унумдорлиги ва ўсимлик ҳосилдорлигини ифодаловчи омил ҳисобланади. Табиатига кўра, тупроқ таркибида учрайдиган органик моддалар, ўзига хос мураккаб тузилишга эга. Тупроқнинг органик моддалари, ўсимлик, ҳайвонот дунёси қолдиқларининг кимёвий, биокимёвий ва микробиологик ўзгаришлари натижасида ҳосил бўлади. Органик моддалар тупроқ остки ва устки ўсимлик ва ҳайвон қолдиқдиқларининг микроблар тирик хўжайлари томонидан биокимёвий қайта ишланишидан ҳосил бўлади. Нобуд бўлган ўсимлик, ҳайвон, микроорганизм қолдиқлари, мураккаб биокимёвий ўзгаришлари натижасида ўзига хос, нисбатан турғун ва мураккаб комплекс бирикмалардан иборат бўлган чиринди ва гумусни ҳосил қиласди.

Ўсимликлар ўсиш даврида, илдизлари орқали таркибида азот тутган ҳамда азоти бўлмаган турли моддаларни ажратиши билан биргаликда, илдиз қолдиқлари ва ўсимлик нобуд бўлган устки қисмларини узлуксиз равишда тукилиши орқали тупроқни, органик моддалар билан таъминлаб туради. Тупроқда ўсимликлар томонидан қолдириладиган органик моддалар микдори сезиларли даражада тўпланади.

Ўтлоқзор яйловлар ўсимликлари томонидан тупроқда тўпланадиган қолдиқлар, қуруқ массага нисбатан, гектарига 2 тоннадан 6 тоннагача, илдизлари томонидан 7 тоннадан 11 тоннагача қолдиқ жамланади. Қора тупроқли ерлар, чўл, дашт ўтлоқи яйловлари ер устки ўсимликлари томонидан қуруқ массада 7 тоннагача, ер остки илдиз қолдиқлари 25 тоннагача тўпланиши аниқланган. Чўл шурхок, қизғиши ва қўнғир тупроқларида чўл ўсимликлари қуруқ қолдиқлари гектарига 5 тоннагача, ер ости қуруқ илдизлари 13 тоннагача тўпланиши Саввинов ва Панковалар томонидан аниқланган. Бўз тупроқларда 1 тоннага яқин ер устки ва 15 тоннагача ер ости илдиз қолдиқлари тўпланиши Культиасов томонидан аниқланган. Кононова маълумотларига кўра, ўт – ўланзорлар ўсимликлари гектарига 21 тоннагача илдиз қолдиқлари, Белякова маълумотларига кўра, беда илдизларини гектарига 40 тоннагача тўпланиши кўрсатилган. Кўп йилик ўт – ўланларга нисбатан мавсумий ўтлар камроқ илдиз қолдиради.

Ўсимлик тўқималари таркибига турли таркибли углеродли ва азотли бирикмалар киради. Тўқималарда углеводлар, декстрин, крахмал, пектин

моддалари, органик кислоталар, ёғлар, мум, смола ва бошқа кўпгина органик моддалар бўлади. Ўсимлик тўқимасининг асосий қисмини целлюлоза – $(C_6H_{10}O_5)_n$ ташкил этиб, у ўсимлик хўжайлари пўстлоғида бўлади. Пахта толаларида 85 – 90% гача, дараҳт танасининг 50% целллозадан иборат эканлиги маълум.



Целлюлоза ($C_6H_{10}O_5)_n$ турли бактерия, микроб, миксобактерия, актиномециат ва турли замбуруғлар таъсирида парчаланади. Целлюлозанинг турли босқичларда парчаланиши натижасида, оралиқ маҳсулотлар сифатида, органик кислоталар, спиртлар, углеводлар ва бошқа органик моддалар ҳосил бўлади.

Ўсимлик тана қисмида целлюлоза билан биргаликда гемицеллюлоза ҳам учрайди. Гемицеллюлозанинг ишқорий ва кислотали муҳитда гидролизланишидан, углеводлар ва бошқа бирикмалар ҳосил бўлади. Ўсимлик танаси целлюлозаси лигнин билан тўйинган бўлиб, унинг таркибида 34% гача бўлиши мумкин. Углерод миқдорининг (62 – 69% гача, целлюлозада – 49,4% гача) қўплиги, кислород миқдорининг камлиги ва оксидланиши натижасида ароматик углеводородлар ҳосил қилиши билан целлюлоза баъзи бошқа бирикмалардан фарқ қиласи. Лигниннинг кимёвий таркиби тўлиқ ўрганилмаган. Тупроқ таркибидаги лигнин микроботлар таъсирида парчаланиб карбонат ангидриди (CO_2) ва сув каби маҳсулотлар билан бирга бошқа оралиқ моддаларни ҳосил қиласи.

Ўсимлик тўқималари, ҳайвон ва микроблар танаси таркибида азот сақлаган органик моддаларга оқсиллар киради. Оқсиллар протоплазма, хўжайра ядроси, ва турли захира моддалари (метахроматин, оқсил кристаллари, алейрон уруғи ва бош.) таркибида бўлади.

Оқсиллар содда таркибли – протеин ва мураккаб тузилишдаги протеид оқсилларга бўлинади. Протеинларга глобулин, сувда эримайдиган, суюлтирилган туз эритмаларида эрийдиган, проламин – дон таркибидаги оқсил (глиадин), 80% ли спирт эритмасида эрийдиган, глютелин – ўсимлик оқсили, ишқорий муҳитда эрийдиган, склеропротеинлар – эримайдиган ҳайвон пўсти оқсили (кератин, коллаген ва бош.) киради.

Таркибида фосфор сақловчи мураккаб тузилишдаги оқсиллар,

фосфорпротеидлар ва уруғ ядроси оқсили нуклеопротеид ҳам мавжуд. Мураккаб тузилишли оқсилилар гидролизланганда содда тузилишли оқсилиларга, пигмент (қон гемоглобини, айрим антибиотиклар), таркибида углевод сақловчи оқсилилар ҳамда глюкопротеидлар ҳосил бўлади.

Албумоз ва пептон деб номланувчи оқсилилар ўсимлик, ҳайвон ва микроблар танасида учраб, оқсилиларга ҳос биурет реакциясини бериб, коллоид эритма ҳосил қиласи. Улар сувда эрийдиган, таркибида амино ($-NH_2$) ҳамда карбоксил ($-COOH$) гурухи сақлаган, рангсиз кристалл ҳосил қилувчи аминокислоталардан иборат бўлади.

Ўсимлик қолдиқлари, нобуд бўлган микроблар танаси, ҳайвон аъзолари тупроқда физик, кимёвий ва биокимёвий ўзгаришларга учрайди. Ўсимлик қолдиқлари асосан, биологик омиллар таъсири натижасида ўзгаришга учрайди.

Тупроққа тушган ўсимлик қолдиқлари, шу онданоқ парчаланишга учрайди. Дастрлаб ўз ферментлари таъсирида, сўнгра микроб ферментлари таъсирида парчаланади. Биокимёвий ўзгаришлар натижасида дастрлаб, осон ўзлаштириладиган органик моддалар – углеводлар, органик кислоталар, спиртлар, сўнгра оқсилилар, аминокислоталар, ёғлар, пектинлар, гумми, гемицеллюзва ниҳоят ҳўжайра ва лигнин таркибли қисмларга ажралади. Тупроқда ҳаттоки, мум, смола ва ниҳоят бошқа кўпгина барқарор моддалар ҳам микроблар таъсирида парчаланади. Тупроқ таркибида учрайдиган барча органик моддалар микроорганизмлар таъсирида ўзгаришга учрамайди. Улардан углевод ва оқсил тезроқ, смола, мум ва бошқалар секинроқ ўзгаришга учрайди. Органик моддаларнинг парчаланиши тўлиқ (карбонат ангидрид, аммиак ва сув моддаларини ҳосил бўлишигача) ёки турли оралиқ босқич моддалари ҳосил бўлгунига қадар содир бўлади. Ўзгаришларнинг сўнгги босқичида турли органик моддалар, органик кислоталар, спиртлар, аминокислоталар ва бошқа моддалар ҳосил бўлиши мумкин.

Органик моддаларнинг парчаланиши билан биргаликда, тупроқда турли моддаларни синтез жараёни ҳам содир бўлади. Тупроқларда мавжуд бўладиган автотроф микроорганизмлар карбонат ангидрид газини (CO_2) ўзлаштириб, турли органик моддаларни ҳосил қиласи. Жуда кўп миқдорда учрайдиган сув ўтлари ҳам, шундай хусусиятга эга. Рангсиз хемотроф ва ранг берувчи бактерияларда ҳам шундай хусусиятни учратиш мумкин. Карбонат ангидрид газини ютиб, органик моддаларни ҳосил қилиш кимёвий ёки ёруғлик энергияси ҳисобига амалга ошади. Бундай типдаги бактериялар туркумига нитрат сақловчи бактериялар, олтингугуртли бактериялар, темир сақловчи бактериялар, водород нордонли, метан нордонли бактериялар ва бошқалар киради. Улар учун ягона углерод манбаи карбонат ангидриди бўлиб, энергия манбаи вазифасини кимёвий моддалар, аммиак, нитратлар, олтингугурт ва темир оксидлари, водород, метан

ва бошқа күпгина моддалар киради. Күпгина гетеротроф микроорганизмлар карбонатларни ўзлаштириб, органик моддалар ҳосил қиласи. Худди шундай хусусият, *Pseudomonas* туркумли бактерияларда, азот таркибли бактерияларда, замбуруғ, ачитқи ва актиномицетларда ҳам мавжуд. Органик моддалар синтези юқори даражада бўлиб, тажрибалар қўрсатишига карбонатлар миқдори 5% ва ундан юқори бўлади (Liener, a Buchanan, 1951).

Ўсимлик хўжайларининг ўсиши даврида, унинг бошқа босқичларидан кўра 10 баробар қўп карбонат ангидриди ўзлаштирилади. Веркман ва Вильсон фикрига кўра, карбонат газларини ўзлаштириш автотроф ва гетеротроф типидаги микроорганизмларга хос бўлиб, фақат бу жараён ўсимликни ўшиш даври ва ўсимлик турига боғлиқ бўлади.

Тупроқка тушадиган ўсимлик қолдиқлари ва синтезланадиган қисми, умуман олганда бошқа органик моддалар миқдори кам ёки кўп бўлишидан катыйй назар, микроблар ва ўсимликларни ўзлари учун асосий озуқа элементлари ҳисобланади.

Шмукнинг қўрсатишича, тупроқда қўйидаги моддалар учрайди: таркибида азот сақловчи (метиламин, холин, гистидин, аргинин, лизин, цитозин, ксантин) моддалар, ёғлар, органик кислоталар (шавел, янтар, кротон, акрил, бензой ва бош.), эфирлар (каприл ва олеин кислоталар глицеридлари), углеводлар (пентозалар, пентозанлар, гексозалар, целлюлоза ва унинг парчаланиш маҳсулотлари), спиртлар, альдегидлар, смола, парафин ва бошқа бирикмалар.

Қоғоз хроматография усулини қўллаш орқали Davidson ва бошқалар (Davidson, Souden, Aktingon, 1951) тупроқ моддалари системасида 30 га яқин; аргинин, гистидин, лизин, аланин, лейцин, пролин, изолейцин, валин, амино валиериан кислота, аспарагин кислота, тирозин, треонин, глутамин кислота каби аминокислоталарни аниқлашган.

Кейима маълумотларига кўра, тупроқда аминокислоталарнинг умумий миқдорига нисбатан 6 – 7% аспарагин кислота, 5% глутамин кислота, 18% бошқа аминокислоталар бўлиб, аниқланган аминокислоталар азот миқдори, тупроқ таркибидаги азот миқдорининг 31,9% ташкил этади. Шу муаллиф фикрига кўра, 66 – 75% азот тупроқ гумуси таркибида эмас, балки микроблар оқсили таркибида бўлади. Бунда ташқари тупроқ моддалари таркибига полиуронидлар деб аталувчи, ўсимлик тўқимаси компонентлари ёки микроблар томонидан синтезланган моддалар, капсула таркибига киравчи ялиғланадиган моддалар ҳам киради.

Эркин ҳужайрадан ташқаридаги ферментлар моҳияти тўлиқ ўрганилмаган, лекин шуни таъкидлаш мумкинки, гумус таркибидаги ҳамма органик моддалар ҳам тупроқ ҳосил бўлишида иштирок этавермайди, лекин гумин кислоталари тупроқни шаклланишида катта ролни ижро этади.

Тупроқ таркибида учрайдиган антибиотик ва токсинлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Улар ўсимликни ўсиш даврида микроблар таркибиға таъсир этиб, тупроқ айрим хусусиятларини ўзгаришига олиб келади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Хайдаров, М., Комилов, Р., Рахимов, М., & Хайдарова, М. (2023). АМИНОКИСЛОТНЫЙ СОСТАВ ЦЕЛИННЫХ И ОРОШАЕМЫХ СЕРОЗЕМОВ СЕВЕРА ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ. *Journal of new century innovations*, 38(2), 123-127.
2. Хайдаров, М., Комилов, Р., Рахимов, М., & Хайдарова, М. (2023). АГРОФИЗИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА СЕРОЗЕМОВ СЕВЕРА ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ. *Journal of new century innovations*, 38(2), 128-130.
3. Комилов, Р., Рахимов, М., & Хайдарова, М. (2023). ФАРГОНА ВОДИЙСИ ШИМОЛИЙ БЎЗ ТУПРОҚЛАРНИНГ АГРОКИМЁВИЙ ВА АГРОФИЗИКАВИЙ ХОССАЛАРИ. *Journal of new century innovations*, 38(2), 118-122.
4. Хайдаров, М., Мирзаев, У., Абдухакимова, Х., & Хайдарова, М. (2023). ВЛИЯНИЕ АМИНОКИСЛОТ НА УРОЖАЙНОСТЬ ПШЕНИЦЫ. *ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ*, 31(3), 90-95.
5. Хайдаров, М., Мирзаев, У., Абдухакимова, Х., & Хайдарова, М. (2023). АМИНОКИСЛОТНЫЙ СОСТАВ ГУМИНОВЫХ КИСЛОТ ОРОШАЕМЫХ СЕРОЗЕМОВ. *ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ*, 31(3), 82-89.
6. Мирзаев, У., & Хайдарова, М. (2023). ТУПРОҚ ТАРКИБИДА УЧРАЙДИГАН АЙРИМ АМИНОКИСЛОТАЛАР ХОССАЛАРИ. *ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ*, 31(3), 76-81.
7. Машрабович, Ҳ. М., Юсупова, М. А., & Мусаев, И. (2023). ФАРГОНА ВОДИЙСИННИНГ ҚЎРИҚ ВА СУГОРИЛАДИГАН БЎЗ ТУПРОҚЛАРИ АМИНОКИСЛОТА ТАРКИБИ. *Journal of new century innovations*, 40(2), 129-136.
8. Abdumatalibovna, Y. M., Mashrabovich, N. M., & Iskandar, M. (2023). MUTAXASSISLIK FANLARINI O ‘QITISHDA KASBIY KO ‘NIKMALARNING RIVOJLANTIRISH. *Journal of new century innovations*, 40(2), 115-119.
9. Юсупова, М. А., Хайдаров, М. М., & Мусаев, И. (2023). ИЗМЕНЕНИЯ В ПОЧВАХ ЦЕНТРАЛЬНОЙ ФЕРГАНЫ. *Journal of new century innovations*, 40(2), 120-128.
10. Mirzaev, U. (2018). General patterns of salinization and desalinization of soils of cones of carrying out of the river Isfayram-Shakhimardansay. *Scientific journal of the Fergana State University*, 1(1), 34-38.
11. Мирзаев, У. Б., & Умаркулова, Б. Н. (2022). Қулдашева МИ Марказий фаргонанинг сугориладиган утлоки саз тупроклари шароитида сабзи етиширишда янги агротехнологиялари самарадорлиги. *Science and*

innovation, 1(D3), 71-76.

12. Mirzaev, U. (2022). КОЛЛЕКТОР-ЗОВУРЛАР ТИЗИМИНИНГ ТУПРОҚДАГИ ТУЗЛАРНИНГ ҚАЙТА ТАҚСИМЛАНИШИДАГИ РОЛИ. *Science and innovation, 1(D8)*, 555-559.
13. Mirzaev, U., G'Ofurov, B., & Tojimatov, A. (2022). АРЗИҚЛИ ТУПРОҚЛАРДА ФЎЗАНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИНИ СУФОРИЛАДИГАН ДЕҲҚОНЧИЛИК ТАЪСИРИДА ЎЗГАРИШИ. *Science and innovation, 1(D7)*, 76-81.
14. Mirzaev, U., Umakulova, B., & Ganiev, Y. (2021). Use of organic fertilizers, prepared from local waste, to improve the properties of meadow sulf soils: <https://doi.org/10.47100/conferences. v1i1. 1340>. In *Research Support Center Conferences* (No. 18.06).
15. Mirzaev, U., & Madaminov, A. (2022). ТОШ-ШАҒАЛЛИ ТУПРОҚЛАРДА МЕВАЛИ ДАРАХТЛАРНИ ЎФИТЛАШ. *Science and innovation, 1(D7)*, 82-88.
16. Isakov, V. Y., Mirzaev, U. B., & Yusupova, M. A. (2020). Peculiarities of Soil Characteristics of Sandy Massifs of Fergana Valley. *Scientific Review. Biol. Sci, 1*, 15-19.
17. Mirzaev, U. (2023). CHANGES IN CENTRAL FERGANA SOILS UNDER THE INFLUENCE OF PLANNING. *Science and innovation, 2(D2)*, 218-221.
18. Mirzayev, U. B. (2023). APPLICATION OF MODERN PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES IN THE LECTURES OF THE SOIL SCIENCE COURSE. *European International Journal of Pedagogics, 3(05)*, 30-40.
19. Mirzayev, U. B. (2023). EFFECTIVENESS OF THE USE OF MODERN PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES IN LECTURE CLASSES OF THE SOIL SCIENCE COURSE. *Finland International Scientific Journal of Education, Social Science & Humanities, 11(5)*, 164-169.
20. Mirzayev, U. B., & Tojimatov, A. (2023). MARKAZIY FARG 'ONA TUPROQLARI EVOLYUTSIYASI, UNUMDORLIGI VA EKOLOGIYASI. *Science and innovation, 2(Special Issue 6)*, 943-946.
21. Yuldashev, G., & Khaydarov, M. M. (2017). AMINO ACIDS IN SOIL THEIR PROPERTIES AND PROBLEMS. *European Science Review, (11-12)*, 32-35.
22. Юлдашев, Г., & Хайдаров, М. (2018). Гумусное состояние сероземов севера Ферганы. In *Гуминовые вещества в биосфере* (pp. 111-112).
23. Юлдашев, Г., Хайдаров, М., Исагалиев, М., & Исомиддинов, З. (2019). АГРОХИМИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ЦЕЛИННЫХ И ОРОШАЕМЫХ СОВРЕМЕННЫХ СЕРОЗЕМОВ СЕВЕРА ФЕРГАНЫ. In *Аграрная наука-сельскому хозяйству* (pp. 432-433).
24. Yuldashev, G., & Khaidarov, M. (2019). ENERGY POTENTIAL OF HUMUS SEROSEM. *Scientific Bulletin of Namangan State University, 1(11)*, 62-67.
25. Khaidarov, M., & Yuldashev, G. (2019). AMINO ACID POOL OF SEROZEMS OF NORTHERN FERGHANA. *Scientific and Technical Journal of Namangan Institute of Engineering and Technology, 1(8)*, 85-92.
26. KUZGI BUG'DOYNI BIR BOSHOQDAGI DON SONI VA MASSASI HAMDA 1000 DONA DON VAZNIGA SHOLI POXOLI, MAHALLIY VA

МА’ДАН О‘ГИТ МЕЙОРЛАРИНГ ТАСИРИМЗМ А.Т.Турдалиев “ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА РЕСУРС ТЕЖОВЧИ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН САМАРАЛИ ...2023

27. КУЗГИ БУФДОЙНИНГ ФОТОСИНТЕЗ СОФ МАҲСУЛДОРЛИГИГА ШОЛИ ПОХОЛИ, МАҲАЛЛИЙ ҲАМДА МАҶДАН ЎҒИТЛАР МЕЪЁРЛАРИНИ ТАЪСИРИ

МЗМ А.Т.Турдалиев О’ЗБЕКИСТОН АГРАР ФАНИ ХАБАРНОМАСИ 1 (6), 23-24 2023

28. ТУРЛИ ХИЛ ЎҒИТ МЕЪЁРЛАРИНИНГ КУЗГИ БУФДОЙ ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ ТА Турдалиевич, МЗЎ Mamadaliyev Science and innovation 2 (Special Issue 6), 785-788 2023

29. THE EFFECTIVENESS OF THE USE OF SIMPLE LIQUID NITROGEN FERTILIZERS CONTAINING TRACE ELEMENTS UNDER COTTON FOR OPTIMAL SUPPLY OF PLANTS WITH NUTRIENTS N Teshaboyev, M Mamadaliyev, I Musayev, Science and Innovation 1 (8), 723-728 2023

30. THE IMPACT OF VIRAL DISEASES ON POTATO PRODUCTIVITY, PROBLEMS AND PROSPECTS FOR STUDYING POTATO DISEASES IN THE FERGANA REGION

N Teshaboyev, M Mamadaliyev, I Musayev, H Ergasheva Science and Innovation 1 (8), 729-733 2023

31. THE INFLUENCE OF THE SOWING SCHEME ON THE GROWTH AND PRODUCTIVITY OF THE CABBAGE HYBRID FARAO F1 WHEN PLANTED IN THE NINETY-FIFTH PERIOD

N Teshaboyev, M Mamadaliyev, I Musayev, S Sharofiddinov Science and Innovation 1 (8), 718-722 2022

32. SOIL PROTECTION IN MINING N Teshaboyev, M Muhammadaliyev, A Xalilov

Science and innovation 1 (8), 489-492 2022

33. PREPARATION OF DRUGS FROM CYPRUS (IVAN-TEA) PLANT AND HOW TO USE IT FOR DISEASES S Eshpulatov, M Mamadaliyev Science and Innovation 1 (2), 141-145 2022

34. PROPERTIES OF THE MEDICINAL KIPREY (IVAN-TEA) PLANT ES Yahshihevich, MM Zoyirjon ogli Science and Innovation 1 (1), 870-876 2022

35. KARTOSHKANING XOSILDORLIGIGA VIRUS KASALLIKLARINING TA’SIRI, FARG’ONA VILOYATI SHAROITIDA KARTOSHKА KASALLIKLARINI O ‘RGANISH MUAMMOLARI VA ISTIQBOLLARI N Teshaboyev, M Mamadaliyev, I Musayev, H Ergasheva Science and innovation 1 (D8), 729-733 2022